

3/2022,  
may-iyun  
(№ 00059)



## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бекназаров Фарход Абдувахидович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчisi.

Ўзбекистон.[beknazarov\\_f@sies.uz](mailto:beknazarov_f@sies.uz)

DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss3/a41](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a41)

### Аннотация

Мақолада Самарқанд вилоятининг зиёрат туризми ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда шунингдек, Самарқанд вилояти моддий-маданий мерос объектларининг ҳудудлар кесимидағи ҳолати бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** туризм, туристик ресурслар, туризм турлари, зиёрат туризми, моддий-маданий мерос, туристик маҳсулот, тарихий-маданий ёдгорликлар, туризм индустрияси, туризм инфраструктура, туризм бозори, зиёрат турлари, туризм маршрутлари.

### Аннотация

В статье проводится научно-практический анализ ресурсов паломнического туризма в Самаркандской области и возможности повышения их эффективности. Также представлена аналитическая информация о состоянии материального и культурного наследия Самаркандской области по регионам.

**Ключевые слова:** туризм, туристские ресурсы, виды туризма, паломнический туризм, материально-культурное наследие, туристский продукт, памятники истории и культуры, индустрия туризма, инфраструктура туризма, рынок туризма, виды посещений, туристские маршруты.

### Abstract

The article provides a scientific and practical analysis of the resources of pilgrimage tourism in the Samarkand region and the possibility of improving their efficiency. Analytical information on the state of the material and cultural heritage of the Samarkand region by region is also presented.

**Keywords:** tourism, tourist resources, types of tourism, pilgrimage tourism, material and cultural heritage, tourist products, historical and cultural monuments, tourism industry, tourism infrastructure, tourism market, types of visits, tourist routes.

### Кириш

Туризмнинг ривожланишини таъминлаш учун унинг ҳар бир элементини, хусусан, туристик ресурсларининг ҳам мазмун-моҳиятини, уларнинг ҳолатини, улардан фойдаланиш имкониятларини, улар асосида туризм турларини ривожлантириш истиқболларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишни талаб қиласди. Шу ўринда айтиш мумкинки, туристик ресурсларга туристик маҳсулотларнинг шаклланишига асос бўлиб, туристик фаолиятда фойдаланиш мумкин бўлган барча объектлар ва жараёнларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон ҳам ўзининг қадимий обидалари, тарихий архитектура объектлари, муқаддас зиёратгоҳлари, тарихий-маданий ёдгорликлари, бой маданияти ва анъаналари, бетакрор табиати ва сўлим гўшалари каби туристик ресурслари ҳамда имкониятлари билан бутун дунё аҳлини ўзига ром этиб келаётгандиги

мамлакатимизда туризм индустрияси ҳамда инфратузилмасини янада ривожлантириш заруратини туғдирмоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда туризмнинг деярли барча турларини ривожлантириш салоҳияти ва имкониятлари мавжуд. Жумладан, зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятлари етарли даражада бўлиб, бу туризм турини ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан ҳам етарли даражада шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада, муҳтарам Президентимизнинг "Республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва ҳалқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш мақсадида" қабул қилган "Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори туризмнинг мазкур турини ривожлантиришда мұхим аҳамият касб этмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Олиб борилган илмий-тадқиқотлар доирасида илмий адабиётлардаги зиёрат туризмининг ривожланиш ҳусусиятлари, ресурслари ва улардан фойдаланиш йўллари билан боғлиқ фикир ва мулоҳазалар таҳлил қилинди. Ҳусусан,

А.В.Бабкин ўзининг "Туризмнинг маҳсус турлари" номли ўқув қўлланмасида "диний туризм муқаддас жойлар, диний марказларга бораётган туристларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолият тури ҳисобланади. Зиёрат туризми эса, бирон бир динга эътиқод қилувчи кишиларнинг тавоғ қилиш мақсадида муқаддас жойларга бориши" деган илмий қарашни олға суради [2].

М.А.Винокуров зиёрат туризмини бироз кенгроқ тушунча деб ҳисоблайди ва унинг фикрича, диний (зиёрат) туризми муқаддас жойларга, черков ёдгорликлари ва марказларига ташриф буюришни, мұхим диний маросимларда иштирок этиш, турли дин тарихи ва маданияти билан танишиш учун ташкил қилинадиган туризмнинг бир тури ҳисобланади [3].

М.Э.Пўлатов, И.С.Тухлиев ва А.Ш.Бердимуродовларнинг "Туризм соҳасининг замонавий атамалари изоҳли луғати: маълумотлар тўплами"да "Зиёрат туризми – диний туризмнинг бир тури. Зиёрат сафарлари турли хил динга ва эътиқодларга содик одамлар томонидан амалга оширилади. Одатда, бу муқаддас жойларга саёҳатларни, монастрларга ва турли хил тарихий-археологик масканларга ташрифларни ўз ичига олади" деган тавсифни келтиришади [4].

А.А.Худояров юртимизнинг диний обидаларга бойлиги, тарихан ислом дини ривожланган минтақалардан бири бўлганлигини, бу эса зиёрат туризмни муваффақият билан ривожлантириш имкониятини беришини, бугунги кунда Малайзия, Индонезия, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби мусулмон мамлакатларидан ташриф буюраётган кўплаб туристларнинг асл мақсади республикамизда мавжуд диний обидаларни зиёрат қилишдан, танишишдан иборат эканлигини таъкидлайди [12].

Шунингдек, олимнинг фикрича, зиёрат туризми муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, улуғ аждодларимизга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ўтмишдаги ҳёти ва яратган маданий-меъморий ҳамда тарихий мероси билан танишиш, уларни хотирлаш, шунингдек, диний ва дунёвий маросимларда қатнашиш мақсадида амалга ошириладиган сафарларни ўз ичига олади [5].

### **Тадқиқот методологияси**

Самарқанд вилоятининг зиёрат туризми ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари мавзусида олиб борилган илмий-тадқиқот жараёнида зиёрта туризмини ривожлантиришнинг халқаро ва миллий тажрибалари ўрганилди. Мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида кузатиш, тизимли ва қиёсий таҳлил, илмий-назарий мушоҳада, танлаб олиш ва вазиятли ёндашув усуслардан фойдаланилди ва шулар асосида илмий хуносалар қилинди.

Тадқиқотнинг ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий меърос вазирлиги ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Маълумки, зиёрат туризми бутун дунёда туроператорлик ҳамда турагентлик ташкилотлари учун энг жозибали туризм турларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг ушбу тури орқали мавсумийликнинг таъсирини юмшатиш, туристик маршрутларни олдиндан пухта тайёрлаш имкониятини янада оширади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, зиёрат турларини ташкил этишда туроператорлик компаниялари диний ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида фаолият олиб боришади.


Зиёрат туризми - бу муқаддас қадамжолар, тарихий-маданий ва табиий ресурслар билан боғлиқ обьектларга туристларнинг ташрифларини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятдир. Бу жараёнда, турли дин ва ахоли қатламлари вакилларини нафақат зиёрат, балки уларни ташриф буюрган жойларнинг тарихий, маданий ва бадиий қадриялари билан танишириш имкониятини беради.

Ўзбекистонда зиёрат турзими соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда бу соҳа ривожланиб бораётганлиги сабабли ислом динига эътиқод қилувчи ва мусулмон аҳолига эга бўлган кўплаб давлатлардан мусулмон туристлар ташриф буюрмоқда. “Жаҳонда 1,6 миллиарддан ортиқ мусулмонлар бўлиб, дунёнинг деярли барча минтақасида мусулмонлар яшайди. Индонезия (260 млн.), Малайзия (32 млн.), Покистон (150 млн.) сингари мамлакатларнинг фуқароларини зиёрат туризми мақсадида Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Термиз шаҳарларида жойлашган муқаддас қадамжоларга жалб этиш Ўзбекистон учун улкан имкониятдир. Ушбу шаҳарларда жойлашган муқаддас қадамжолар, авлиёлар ва уламоларнинг мақбаралари, қадимий масjid ва мадрасалар, муқаддас қўллётзмаларни кўрсатиш туризм салоҳиятини яхшилашга туртки бўлиши турган гап” [6].

Ўзбекистан Республикаси Президенти 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида зиёрат туризмини жадал ривожлантириш зарурлигига алоҳида тўхталиб, юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос обьекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилганлигини таъкидладилар.

Бугунги кунда, ер юзининг сайқали ва ҳамиша навқирон деб эътироф этилаётган Самарқанд шаҳри ва вилоят ҳудудларида ўзига хос туристик ресурслар, моддий-маданий мерос обьектлари мавжуд. Статистик маълумотлар бўйича хозирги вақтда Самарқанд вилоятида 1626 та моддий-маданий мерос ресурслари, яъни археология, архитектура, монументал санъат ёдгорликлари ҳамда диққатга сазовор жойлар мавжуд бўлиб уларнинг вилоят ҳудудлари бўйича тақсимотини қўйидаги расмда кўришимиз мумкин (1-расм):

Статистик маълумотлар бўйича, бугунги кунда Самарқанд вилоятида 975 та археология, 581 та архитектура, 36 та монументал санъат ёдгорликлари ҳамда 34 та диққатга сазовор жойлар, 20 дан ортиқ санатория ва дам олиш уйлари мавжуд. 1-расм маълумотлари бўйича, Самарқанд вилотидаги моддий-манавий ресурсларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Ургут туманларида жойлашганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.



1-расм. Самарқанд вилояти моддий-маданий мерос объектларининг ҳудудлар кесимидағи ҳолати<sup>1</sup>

Самарқандни азиз, муқаддас авлиёлар ва буюк инсонлар абадий қўним топган жой тарзида эъзозлашади. Халқимиз дин уламолари, буюк кишилар, авлиёлар қабристонларини зиёрат этиш, ўтганлар руҳини шод этиш мақсадида Самарқанд шаҳри ва унинг туманларидағи зиёратгоҳларга ташриф буюришади.

Самарқандда зиёрат туризмини ривожлантириш ресурслари, яъни "Имом ал-Бухорий" мажмуаси, "Шоҳи Зинда" ёдгорлик мажмуаси, "Ҳазрати Ҳизир", "Рухобод" зиёратгоҳи, "Имом Мотуридий" зиёратгоҳи, "Хожа Дониёр" мажмуаси, "Амир Темур" мақбараси, "Хожа Аҳрор Валий" зиёратгоҳи, "Имом Доримий" зиёратгоҳи, "Маҳдуми Аъзам" зиёратгоҳи, "Ҳазрати Довуд" зиёратгоҳи, "Абдулла Ансорий" зиёратгоҳи, "Хўжа Хоғиз Меросий" зиёратгоҳи, "Шайх Сайд Нуриддин ҳожи" зиёратгоҳи, "Соғиши ота" (Соғаржий) зиёратгоҳи, "Чор-чинор" зиратгоҳи ва бошқа кўплаб зиёратгоҳлар мавжудлиги ҳудуднинг **зиёрат туризми** имиджини янада оширади. Шу туфайли, ҳудуднинг зиёрат туризм салоҳиятининг юқорилигини эътиборга олган ҳолда мавжуд зиёратгоҳларни маршрутларга киритиш, уларни туризм нуқтаи назаридан ўрганиш, маълумотлар базасини яратиш ҳамда хариталаштириш долзарб вазифалар сирасига киради.

Мазкур муқаддас обидалар бугунги кунда дунё бўйича жуда катта қизиқиш билдирилиб эътироф этилаётган зиёрат туризмини ривожлантиришда, Самарқандни зиёрат туризми маскани сифатидаги имиджини бутун дунёга ёйишда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганлариdek "Буюк олим Абу Мансур Мотуридий мақбараси ва унинг яқинида дағн этилган 8 буюк уламо қадамжосини дунёда 170 миллиондан зиёд издоши бўлган мотуридия таълимотининг зиёрат марказига айлантириш мумкинлиги" [13] ушбу ҳудудда зиёрат туризм салоҳияти юқорилигидан далолатdir.

Таҳлилларга кўра, "Индонезия, Туркия, Покистон, Малайзия каби давлатлардан Имом ал-Бухорий меросига қизиқувчи 100 мингдан ортиқ, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Бангладеш каби давлатлардан Абу Мансур Мотуридий меросига ихлосманд 26 мингдан ортиқ, Индонезия, Малайзия, Туркия, Татаристон ва Чеченистондан Хўжа Аҳрор Валий ва Маҳдуми Аъзам издошлари бўлган 43 минг зиёратчи, Хўжа Дониёр ҳамда яҳудийлар дини меросига талабгор 40 мингдан ортиқ зиёратчини Исроил, АҚШ, Франция ва Россиядан жалб қилиш имконияти мавжуд" [14].

Тадқиқотчilar диний туризм замонавий Европада уйғоний даврини бошдан кечираётганлиги, маданий туризмнинг муҳим сегменти эканлигини ҳамда зиёрат туризми тобора оммалашиб бораётганлигини таъкидлашмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг бугунги босқичида Ўзбекистон, жумладан Самарқанд вилоятининг зиёрат туризми салоҳиятини баҳолаш ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Зиёрат туризмининг даромадлилигини таъминлашда унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали нафақат мамлакат ҳудудларида яшовчи, балки мамлакатлардан ҳам имкон қадар кўпроқ зиёратчи туристларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда Самарқанд вилояти бой моддий-маданий, зиёрат туризм ресурсларига эга бўлиб, унинг туризмга ихтисослашувини аниқлаш жараёни туризм ривожланишини баҳолашнинг маркетинг таҳлили туристик хизматлар бозорининг нисбатан даромадли ва жозибадор соҳа ҳамда мақсадли бозорларини белгилайди, ҳудуда туристик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, мамлакат ва минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Самарқанд вилоятида зиёрта туризмини ривожлантириш, вилоятнинг зиёрат туризми ресурсларидан туристик маршрутларда максимал даражада фойдаланиш каби ишларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

- зиёрат туризмини ривожлантириш салоҳиятини ва имкониятларини, муаммо ва камчиликлари чуқур тадқиқ қилиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш йўлларини аниқлаш ҳамда зиёрат туризмини ривожлантириш концепциясини шакллантириш ва унинг ижросини қатиий таъминлаш;

- зиёрат туризми ресурсларидан туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, таҳлил натижалари асосида улардан туристик маршуратларда фойдаланиш ҳолатини баҳолаш;

- зиёрат ресурслари ва уларнинг жозибадорлик даражаси бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, реклама воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда уларни тарғиб қилиш;

- Самарқанд вилоятининг зиёрат туризми брендини яратиш ва шу орқали унинг жаҳон туризм бозоридаги имиджини ошириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони. 09.02.2021 й.
2. Бабкин А.В. Специальные виды туризма. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – 252 с
3. Винокуров М.А. Что такое туризм? // Известия Иркутской государственной экономической академии. – 2004. – № 3. – С. 19-24.
4. Тухлиев И.С., Пўлатов М.Э., Бердимуродов А.Ш. “Туризм соҳасининг замонавий атамалари изоҳли луғати: маълумотлар тўплами”. С.: 2020 й.
5. Худояров А. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилийиқтисодий механизmlари: Монография / Тошкент: ООО “Complex Print”, 2021. -304 б.
6. Жиянов Ў.П., Худойназаров Ю.Р. “Ўзбекистон-зиёрат туризм марказларидан бири”. Буюк ипак йўли чорраҳасида зиёрат туризмининг ренессанси (илмий мақолалар тўплами). С.: 2019 й. -192 с.
7. Ибадуллаев Н.Э. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда туризм ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари. Сервис журнали. 2019 йил №3. 71-75 б.
8. Abdukhamidov, S. A. (2019). DISTINCTIVE FEATURES OF REGIONAL TOURISM DEVELOPMENT. *Theoretical & Applied Science*, (4), 337-341.
9. Amriddinova, R. S., & Abdukhamidov, S. A. (2021). Factors for Determining the Specialization of the Regions of the Republic of Uzbekistan in Tourism and the Assessment of Tourist Attractiveness. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE*, 2(10), 51-55.
10. Tuxliyev, I. S., Hayitboyev, R., Ibodullaev, N. E., & Amriddinova, R. S. (2010). The basics of tourism: A handbook. *Samarkand: SamISI*.
11. Самарқанд вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси маълумотлари
12. <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-ziyorat-turizmi-bozorining-rivozhlanishida-tizimli-yondashuv-masalalari-va-uning-hususiyatlari>
13. <https://qalampir.uz/news/samark-andda-potentsial-170-mln-sayye%D2%B3-uchun-zoyerat-markazi-barpo-k-ilinadi-29721>
14. <https://yuz.uz/news/sayyohsevar-yurt-kun-sayin-sayqal-topmoqda>